



ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ТАРИХИДА ЁРҚИН БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАДИГАН ИНШООТ



Пойтахтимиздаги “Humo Arena” муз саройининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бора-сида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ҳамда турнирларда муваффақиятли қатнашишини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича амалий сарф-ҳаракатлар олиб борилаётди. Ўз навбатида, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чи-

қишида спортни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, мутасаддиларга бу борада зарур топшириқ ва кўрсатмалар бермоқда. Хусусан, ўтган йили Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Яна бир муҳим масала — мамлакатимизда кишики спорт турлари бўйича халқаро талаблар даражасида спортчилар тайёрлаш самарали тизimini яратиш керак”, дея таъкидлаган эди. Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимизда барпо этилган “Humo Arena” муз саройи айна шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

2019 йил, 15 март. Тошкентда “Humo Arena” мажмуасининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, барчани ушбу кутлуғ воқеа билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Айтиш жоизки, Юртбошимиз 2017 йил 3 февраль кунини ушбу мажмуа лойиҳасини маъқуллаб, унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Ўтган қисқа вақт мобайнида пойтахтимизнинг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишмасида, 9 гектар майдонда мамлакатимиз шаҳарсозлигида янгилик бўлган кўп тармоқли спорт саройи қад ростлади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎП ТАРМОҚЛИ «ХУМО АРЕНА» СПОРТ КОМПЛЕКСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель жаноблари!

Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, сизларни Наврўз байрами арафасида, гўзал баҳор кунларида Ўзбекистон заминида самимий кутлайман. Барчангизга чуқур ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бениҳоя мамнунман.

Бугун пойтахтимиз марказида ишга туширилаётган замонавий спорт кошонаси — “Хумо арена”га таширф буюриб, қувончимизга шерик бўлаётганингиз учун сизларга катта раҳмат!

Ушбу тантанали маросимда иштирок этаётган жаҳон спортни юлдузлари, машҳур маданият ва санъат арбоблари, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи компаниялар раҳбарларига қарата айтмоқчиман:

Хуш келибсиз, меҳмондўст Ўзбекистон заминига!

Азиз дўстлар!

Бугун биз юртимизда кенг қўламли ислохотлар ва жадал ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз.

Ва бу йилда жисмоний соғлом

ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз.

Шу маънода, биз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис туманларда ҳам замонавий ва фойдаланиш учун қулай спорт инфратузилмаси барпо этилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан доимий шуғулланидиганлар сони икки баробар кўпайди.

Юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларни қўлга киритди, улардан 400 дан ортиғи олтин медаллардир. Ҳозирги вақтда бокс, дзюдо, эркин кураш, бадий гимнастика, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича Ўзбекистонда шаклланиган мактаблар бутун дунёда маълум машҳурдир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан, дунё ва қитъа чемпионатлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Биз 2030 йилда Ўзбекистон ёнги Осиё ўйинларини ўтказиш ташаббуси билан чиқдик.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Биз спортчиларимиз кишики спорт ўйинлари, жумладан, энг қизиқарли бўлган фигурали учш, хоккей, тоғ-чанги спорт, фристайл, сноуборд ва бошқа спорт турлари бўйича Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишига интилоқдамиз.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ Тошкентда “Юбилейний” муз спорт саройи, “Бинокор” хоккей жамоаси, Тошкент вилоятида тоғ-чанги трассаси мавжуд бўлган.

Бизнинг бу борада эришган ютуқларимиз орасида фристайл бўйича кишики Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатида қўлга киритилган олтин медаллар, фигурали учш бўйича Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда эришилган 70 дан зиёд медаллар борлигини таъкидлаш лозим.

Биз спорт соҳасидаги ана шундай шонли аъёнанинг давом эттиришини ўз бурчимиз деб биламиз.

Ўтган йили мамлакатимизда тўртта хоккей клуби ташкил этилди. Бу йил февраль ойида шайбали хоккей бўйича биринчи бор Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон спортчилари яқинда Красноярскда ўтказилган Бутунжаҳон кишики универсиадада илк бор иштирок этди.

Ушбу замонавий муз саройининг ишга туширилиши Ўзбекистон спорт тарихида янги босқични бошлаб беради, десак, ўйлайман-ки, мулоҳаза бўлмайди.

Мазкур иншоот ўзининг илғор меъморий ва муҳандислик-қурилиш ечимлари, техник жиҳозланиш даражасига кўра ноёб комплекс спортни севадиган халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбидаги орзунинг амалий ифодаси бўлди.

Ана шу орзунинг ҳақиқатга айлантирилган, қисқа муддатда шундай улғувор мажмуани барпо этган лойиҳасига, меъмор, қурувчи ва муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, бу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга чуқур миннатдорлик билдиришга ихозат берайлоқ.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кун миллий спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бутун кўп миллатли халқимизни, ушбу тадбиримизнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини бугунги тарихий воқеа — “Хумо арена” спорт саройининг очилиши билан чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, улкан зафарлар ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

ларнинг иштирокингизда фойдаланишга топширилаётган бу замонавий спорт саройи ушбу йўналишдаги ишларнинг дастлабки амалий натижасидир.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин, барча халқаро талабларга жавоб берадиган ушбу ноёб комплекс спортни севадиган халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбидаги орзунинг амалий ифодаси бўлди.

Ана шу орзунинг ҳақиқатга айлантирилган, қисқа муддатда шундай улғувор мажмуани барпо этган лойиҳасига, меъмор, қурувчи ва муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, бу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга чуқур миннатдорлик билдиришга ихозат берайлоқ.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кун миллий спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бутун кўп миллатли халқимизни, ушбу тадбиримизнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини бугунги тарихий воқеа — “Хумо арена” спорт саройининг очилиши билан чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, улкан зафарлар ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари экзотик майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мева-сабзавотчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг экспорти барқарорлигини таъминлаш, мазкур маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг:

ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида (кейинги ўринларда — қишлоқ хўжалиги бирлашмалари) ихтиёрий ва пай асосида иштирок этиш таъминларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиш институтини яратиш ва кенг қўллаш;

2019-2020 йилларда тажриба-синов тарихида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун Жиззах вилоятининг Фаллаорол ва Зомин туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Кува туманларида, Тошкент вилоятининг Қўбрай ва Паркент туманларида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда тажриба-синов якунларига кўра, 2020 йил 1 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг кооперацион бирлашуви институтини республиканинг бошқа ҳудудларида оммалаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

2. Қўйилган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг асосий функциялари этиб белгилансин:

мева-сабзавот маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларини маркетинг таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари билан контрактация шартномаларини тузиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан, турлари ва навлари бўйича ишлаб чиқариш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, шу жумладан, маҳсулот сақлаш омборларини биргаликда ижарага олиш ва қайтариб бериш асосида хом ашёни қайта ишлаш йўли билан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш;

шартнома асосида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, уруғлар, қўчат ва экинлар, шунингдек, кимёвий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

контрактация ёки воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни ташкиллаштириш;

жаҳон стандартларига мос мева-сабзавот маҳсулотларининг кафолатланган бозорини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш учун экспортёрларни жалб этиш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Янги тузилган кўмита, баҳсга сабаб бўлган парламент сўрови



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасини ташкил қилишга доир масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолати, эртанги истиқболли кунларга бўлган ишончига жиддий пугур етказадиган хавфлардан бири коррупциядир. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин курашиш ҳамда унинг олдини олиш бораси-

да аниқ чоралар кўрилайётганига қарамай, ушбу иллатни тағ-томлари билан кўприб ташлашнинг имкони бўлмаётган.

Шуни эътиборга олган ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани-

нинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу борадаги илғор хорижий тажрибалар ва Конституциямиз талаблари асосида Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича кўмиталар ташкил қилишни таклиф этган эди.

Ушбу кўмиталар барча бўғиндаги давлат идораларида коррупцияга қарши курашни янада кучайтиришга вакиллик органи сифатида муносиб ҳисса қўиши лозимлиги қайд этилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур топширигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасини ташкил этишга қарор қилинди.



Анжуман

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақавий аксилтеррор тузилмаси — 15 ёшда

Тошкент шаҳрида 15 март кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Унда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари, дипломатик корпус, ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда тузилманинг экстремизм, сепаратизм, минтақада мавжуд муаммоларга ечим топиш, шу мақсадда халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, ШХТга аъзо давлатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тузилма Ижроия кўмитасининг хавфсизлик ва барқарорлиқни таъ-

минлашдаги ишлари янада самарали ташкил этиш ва зарур шароит яратиш мақсадида Тошкентда ШХТ МАТТнинг янги бир замонавий биноси барпо қилинди. Тузилма ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир доирасида у тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Шу кунини ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги, ўттиз тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислам Республикаси, Россия Федерацияси, Тожики-

стон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Россия Федерацияси раислигида ўтган мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этиладиган 2018 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маъқулланди. ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг 2016 — 2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ШХТга аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастури ижроси бўйича фаолияти якунлари муҳокама қилинди.



МИРАБРОР УСМОНОВ

Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, таниқли давлат ва жамоат арбоби, сенатор Мираброн Зуфарович Усмонов шу йил 15 март кун 72 ёшда вафот этди.



М. Усмонов 1947 йил Тошкент шахрида туғилди, 1978 йилда Самарқанд кооператив (ҳозирги иқтисодиёт ва сервис) институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлади. Ўз иш фаолиятини 1964 йилда Тошкент шахридаги “Баҳор” ресторанида бошлади. Кейинчалик Тошкент шахридаги бир қатор ресторанларда турли вазифаларда ишлади.

Ўз ҳаётини эл-юрт хизматига бағишлаган М. Усмонов кўп йиллар мобайнида Тошкент шахар ресторанлар трести директори, Тошкент шахар ижроия қўмитаси умумий овқатланиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларидаги мураккаб ўтиш даврида мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан тўлдириш, савдо ва маиший хизмат соҳаларида ислохотларни амалга ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида унинг хизматлари катта бўлди.

Бой меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу заҳматкаш инсоннинг раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти Ўзбекистон Республикаси савдо вазири, “Ўзбексавдо” давлат уюшмаси раиси, Бош вазири ўринбосари каби маъсул вазифаларда ишлаган йилларида яққол намойён бўлди.

У 2005 — 2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмита раиси, раис ўринбосари лавозимларида фаолият олиб бориб, миллий парламентимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди.

М. Усмонов Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси раиси сифатида ҳам самарали фаолият олиб бориб, ушбу соҳаларни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Унинг жамоат ишларидаги фол шитиорчи, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги катта хизматлари эл-юртимизга яхши маълум.

М. Усмоновнинг кўп йиллиқ самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони, “Дўстлик”, “Меҳнат шўхрати”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан мукофотланган эди.

Ташаббускор ва ташкилотчи раҳбар, меҳрибон устоз, самийий ва камтарин инсон Мираброн Усмоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ж. ОРТИҚҲЎЖАЕВ, Ш. ЖАЛИЛОВ

Инфо-тур

Сайёҳларни чорлаётган сирли масканлар

Президентимизнинг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига уч кунлик инфо-тур ташкил этилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бу йилги сайёҳлик мавсуми арафасида уюштирилган мазкур тадбирда марказий оммавий ахборот воситалари, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган йирик туроператорлари вакиллари қамраб олинди. Зеро, юртимизнинг олис ҳудудларига амалга оширилаётган сафардан қўзланган асосий мақсад мавжуд туристик имкониятлар, инфраструктура объектлари билан яқиндан танишиш ва уни кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Ҳўш, тадбир иштирокчилари ташриф буюрган дастлабки манзил — Оролбўйи минтақасининг сайёҳлик салоҳияти қандай? Ундан амалда қай даражада фойдаланилмоқда? Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Бахтжон Ҳабибуллаевнинг айтишича, минтақанинг сайёҳлик салоҳияти катта, фақат ундан унумли фойдаланиш зарур. Бугунги кунда 200 га яқин маданий мерос ва зиёрат объектлари рўйхатдан ўтказилган шундан далолат беради. Улардан 131 таси археологик, 25 таси архитектура объектлари бўлса, қолганлари диққатга сазовор жойлардир. Булар тарихий-маданий, зиёрат, экологик, археологик, этнографик туризм хизматларини ташкил этиш учун аини мўддао. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳани ривожлантириш, маҳалли ва хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб этишга устувор аҳамият қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Яъни Қорақалпоғистоннинг сайёҳлик жозибадорлигини ошириш, аҳолиси учун янги иш ўринлари, муҳим даромад манбаларини шакллантиришдир.

Дарҳақиқат, ҳудуднинг меҳмонларни оҳанрабодек ўзига тортидиган манзиллари кўп. Уларни танитиш баробарида, инфраструктурани ривожлантириш чора-тадбирлари қўйилаётгани эътиборга молиқдир. Натижада меҳмонхоналар 33 тага, меҳмон уйлари 4 тага етказилди. Шунингдек, мотель, кемпинг, ҳостел, меҳмон уйлари ҳамда ихчам ва кўркем меҳмонхоналар қуриш ишлари кўлами кенгайтирилмоқда. Зотан, саҳро бағрида умргузаронлик қилиб келаётган матонатли қорақалпоқ элининг маданияти, бой меросини ўрганиш, ўзига хос турмуш тарзи билан яқиндан танишишни истовчилар жуда кўп.

Миллий қадриятлар бешиги

Маҳаллий аҳоли мард, танти, очикқўнгил бўлиши билан бирга, гапининг дангалини айтиши эътиборимизни тортди. Уларнинг таъкидлашича, ҳақиқий қорақалпоқликлар ҳаёт тарзи, урф-одатлари, хатто лажжаси билан танишмоқчи бўлсангиз, Чимбой туманига бориш керак.

Инфо-тур қатнашчилари ушбу тавсияга амал қилган ҳолда, дастлаб шу туманда бўлишди. Адашмаган эканми, ҳудуд аҳолиси чорвачилик, деҳқончиликдан ташқари, ҳунармандчилик билан ҳам ном қозongan экан. Каштачилик, ғиламдўзлик, заргарлик, ўймакорлиқнинг қадим мактаби сақланиб қолган ушбу ҳудудни Оролбўйининг ҳунармандчилик маркази, десак, хато бўлмайди. Бу ерда Қорақалпоғистоннинг ўзига хос “ташриф қорози”га айланган қора уй, яъни ўтов яшаш санъат даражасига кўтарилган

экан. Бинобарин, ўтов кўчманчи халқнинг бошланасигина эмас, балки ўтмиши, тарихи ва маданиятининг муҳим бир қисми, аниқроғи, миллий қадриятлар бешигидир.

Ҳунармандлар марказида бўлиб, ўтов яшаш сир-асрорлари билан яқиндан танишгач, бунга яна бир қарра амин бўлдик.

— Ҳунармандлар сулоласининг учинчи вакилиман, ота-бобомнинг касбини давом эттираётганимдан фахрланиб юраман, — дейди ёш ҳунарманд Азамат Турекеев, — Қора уй яшаш осон эмас. Машаққатлари кўп. Битта ўтовни тахт қилиш учун ўн киши тер тўкиши лозим, безатиш учун эса яна шунча хотин-қиз меҳнат қилади. Лекин ўтов тикиб бўлиб, буюртмачидан раҳмат эшитсанг, чарчоқлар ҳам эсингдан чиқиб кетаркан.

Заҳматли меҳнат махсули бўлган қора уйларга хорижда ҳам талаб катта экан. Ҳунармандларнинг маълум қилишича, миллий маҳсулотлар Қозоғистон, Қирғизистон каби қўшни давлатлардан ташқари, Туркия, Чехия каби мамлакатларга ҳам экспорт қилинган. Кейинги пайтда мижозлар талаблари асосида қорақалпоқ қора уйларидан ташқари, мўғул, қозоқ ва ўзбек ўтовлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилгани харидорларни кўпайтирмоқда.

Қорақалпоқ элида шундай гап бор экан: қора уйни аёллар тикади. Яъни эркаклар ўтовнинг энг оғир қисми бўлиш ўқинигина тиклаб бераркан, қолган ишлар аёллар томонидан бажарилади.

Маҳорат дарсида тадбир иштирокчилари ўтов тикиш жараёни билан яқиндан танишдилар. Қизиқувчан журналист ва туроператорлар бу ишга имкон қадар ўз хиссаларини қўшдилар.

Саҳро бағридаги жавоҳир

Маълумотларга қараганда, ўтган йили Қорақалпоғистонга жами 43 475 нафар турист ташриф буюрган бўлса, шундан 15 274 нафари хорижий эканлиги эътиборлидир. Уларнинг асосий қисми Франция, АҚШ, Италия, Россия, Германия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Хитой ва Япония давлатлари фуқароларини ташкил этади.

Чет эллик меҳмонлар “Нукус” халқаро аэропортига қўнган заҳотиёқ “Саҳродаги Лувр” дея таърифланадиган машҳур И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи томон ошқар экан. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки санъат фидойиси томонидан асос солинган чўл бағридаги жавоҳир ўзида бебаҳо асарларни жамлаган. Уларнинг аксарият қисми дунё бўйича ноёб саналади. Куннинг иккинчи ярмида тадбир қатнашчилари ушбу маданият масканида бўлдилар.

Очиги, музейга қирган киши ўзини жавоҳирлар хазинасига тушиб қолгандек ҳис қилади. Ахир бу ерда авангард рассомларнинг машҳур асарларининг асл нусхалари, қорақалпоқ хотин-қизларининг жуда камсонли қадимий либослари намуналари, бебаҳо турфа тақинчоқлар... Эҳ-хе, улар шунчалик кўпки, қай бирини айтишга шошилиб қолсан, киши.

— Мана бу келинлар либосидан атиги бештаси сақланиб қолган, — дейди музей катта илмий ходими Айгул Пирназарова. — И. В. Савицкий ушбу кийимни олиш учун эзасига уч кун ялинган экан. Бугун у музейимизнинг энг ноёб экспонатига айланган.

Сўхбатдошимиз ҳам овулма-овул юриб, қорақалпоқ халқ амалий санъати намуналарини йиққанини айтади. Эътиборлиси, бунисидан қолган қадимий тилла тақинчоқларни музейга текинга тақдим қилган экан.

Шу каби соҳа фидойиларининг кўп йиллик изланишлари туфайли музей Қорақалпоғистоннинг ноёб туристик марказларидан бирига айланган. Бугун соҳага қаратилаётган эътибор, унинг равнақи йўлида яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар яна кўплаб шу каби муассасалар вужудга келиши, туризм индустриясининг ривожланишига мустақам пойдевор бўляпти.

«Улли ҳовли» нима дегани?

Инфо-тур иштирокчиларининг иккинчи кундаги дастлабки манзили Урганч туманидаги “Улли ҳовли” мажмуаси бўлди.

“Улли ҳовли” туркман миллатига мансуб аҳоли яшаган ҳудуддаги энг катта ҳовли-жой бўлган. Шу боис унга “улли”, яъни “катта” сифати берилган.

“Улли ҳовли”га қираверишдаги қадимий дарвоза ва деворга шундай ёзувлар битилган: “Ушбу муборак улли ҳовли Хоразмшоҳ Абулғози Баҳодирхон томонидан Солер туркманларининг оқсоқоллари Ҳужамберди ва Шермаматбой илтимосига қара бунёд қилинган”.

Мазкур тарихий маскан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2018 йилларда қайта таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди. Натижада у юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланди. Буни қарангки, мажмуага ҳовли қурилиши ташаббускорларидан бири бўлган Шермаматбойнинг еттинчи авлоди Давлатназар Ражабов раҳбарлик қилаётган экан.

— Биласизми, бу иморатлар пойдеворсиз қурилган, яъни деворларнинг ости бир метр қавлиниб, қум солинган ва устига қамши тўшалиб, сўнг паҳса урилган, — дейди Д. Ражабов. — Деворлар нурамасдан ўз ҳолича сақланишида ота-боболаримиз қўллаган бу технологиянинг хизмати катта. Биз унга ҳеч қандай ўзгартириш киритганимиз йўқ. Фақат лойсувоқ қилиб таъмирланганиз холос.

“Улли ҳовли” ўз номига монанд катта экан. Салкам бир гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда ўн ўринли меҳмонхона ташкил этилган, ўтовлар тикилган. Бундан ташқари, ҳунармандчиликнинг еттигадан ортиқ турлари билан шуғулланиш учун устaxonалар ташкил этилган. Ўзбек ва туркман миллатлари азалий дўстлигининг ёрқин намунаси бўлган кўркем мажмуага бугун Франция, Польша, АҚШ, Эрон, қўшни Туркменистондан келадиган сайёҳларнинг қадами узилмайди. Меҳмонлар бу ерда бир ариқдан сув ичиб, аҳил ва иноқ яшаб келган азалий дўст ўзбек — туркман халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий анъаналари ҳақида яхлит тасаввурга эга бўладилар.

Тадбир иштирокчилари шу ерда ташкил этилган Наврўз байрами, “Сумалак сайли” тантаналарини томоша қилдилар. Худуд ошхонасига хос бўлган жиззали патири ёпиш, туҳум барак пишириш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Тадбир давом этмоқда.

Сонид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Андижон томонларда

Андижон давлат тиббиёт институти талабалари Россия Федерациясининг Доғистон Республикасида ўтказилган III Бутунроссия халқаро олимпиадасида иштирок этди. Ушбу беллашувда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича назарий ва амалий шартлар бажарилди. 19 жамоа орасида юртимиз вакиллари голибликка эришди.

Ибн Сино авлодларининг муваффақияти

— Институтимиз талабаларидан иборат “Ибн Сино авлодлари” жамоаси вакиллари ҳақиқатан ҳам аллома авлодлари эканлиklarини амалда исботладилар, — дейди олий таълим муассасасининг кафедра мудири, доцент Зафарбек Қаҳқоров. — Бу борада Илёмсирзо Зияев, Жамшид Умрзоков, Райҳона Турсунова,

Диана Абдурахмоновани эътироф этиш жоиз.

Айтиш лозимки, ўтган йилнинг октябрь ойида Тошкент шахрида ўтказилган Ўзбекистон — Россия таълим форуми доирасида Андижон давлат тиббиёт институти ва Доғистон давлат тиббиёт университети ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган эди.

Келин-куёвларнинг инновацион мактаби

Андижон шахрида бўлғуси келин-куёвлар учун инновацион мактаб ташкил этилди.

— Аксарият ҳолларда келин-куёвлар муносабатлариди қелишмовчиликлар туфайли ажрашиб кетганлигига гувоҳ бўламиз, — дейди Андижон туманининг “Ҳакан” маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Неъматилло Абдурахмонов. — Ваҳолонки, оила жамиятнинг бир бўлағи бўлиб, унинг мустақамлиги жуда муҳим. Ҳар бир оила соҳибларининг зиммасига юклатилган масъулият ҳисси ортида катта жавобгарлик борлигини мана шу мактабга келиб билдим. Тез кунларда оила курсам, бу ерда ўрганганларим кўл келади.

Мактабда 30 жуфт бўлажак оила эгалари ўқитилмоқда. Тажрибали мутахассислар томонидан ҳуқуқий, тиббий, психологик йўналишларда машғулотлар олиб бориляпти.

Иш бўлса, қонунбузарлик ҳолатлари камаяди

Андижон тумани ички ишлар бўлими томонидан ташкил этилган меҳнат ярмаркасида назоратда турувчи бир гуруҳ шахсларнинг ишга жойлашишга амалий кўмак берилди.

— Тадбир давомида турли йўналишлардаги бўш иш ўринлари тавсия этилди, — дейди фуқаро Абдурауф Абдуллаев. — Махсус касб бўйича тахсил олмаганлигим боис ишлаб қиқариш қорхоналаридан бирига қабул қилиндим. Аввал шогирд сифатида иш ўрганадиган бўлдим. Менга билдирилган

ишончни оқлашга ҳарақат қиламан.

Ушбу меҳнат ярмаркасида 15 дан зиёд қорхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Назоратда турувчи 65 нафар фуқародан 24 нафари шу кунчи доимий иш жойига эга бўлди.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).



Реклама ўрнида

сулотлари, шунингдек, гўшт қайта ишланиб, шунча турдаги қолбаса махсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, махсус гўшт дўконлари тармоғи кенгайтирилиб, пойтахтимизнинг яна бир нечта ҳудудида замонавий савдо шохобчалари ишга туширилади.

Яна бир муҳим англиялик, бу замонавий ресторон — “Steak House” очилишидир.

Ёш тадбиркор бу лойиҳага бежиз қўл ургани йўқ. Негаки, бугунги кунда стейк охонаси бизнесидаги энг харидорғир таомлардан бирига айланмоқда. Бироқ мазкур нёзмат фақат “Aberdeen Angus” зотли қорамол гўштидан тайёрланади, холос. Бундай чорва молларини боқадиганлар эса юртимизда бармоқ билан санарли даражада оз. Тадбиркор шунинг учун ишни чорвачиликдан бошлабди.

Айни пайтда рестороннинг қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган экан. У яқин икки ой ичида ишга туширилиши кутилмоқда. Стейк тайёрлаш учун Англиядан юқори малакали ошпаз қақираётган экан.

“Қишлоқ қурилиш банк” кўмагида ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйиб, уни йил сайин ривожлантираётган тадбиркорлар нийҳатда кўп. Чунки банк фаолиятининг асосий йўналиши ҳам ишбилармонларнинг янги синфини шакллантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Зеро, тадбиркорлик ҳаракати давлатнинг иқтисодий қудратини ошириш, жамият ижтимоий даражасини юксалтиришда етакчи куч саналади.

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ахборот хизмати кўмагида С. ИБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хизматлар лицензияланган.

QISHLOQQURILISHBANK

САРМОЯЛАР ЧОРВАЧИЛИК РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Дастлаб пахтачиликда жорий этилган кластер усули бугун қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам жадал қўлланилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки махсулот етиштиришдан тортиб, унга қўшимча қиймат қўшишгача бўлган барча жараёни қамраб оладиган иш юртишининг янги усули ички ва ташқи бозорга юқори сифатли, рақобатдош товарлар чиқариш имконини бермоқда. Шу боис Қўйи чирчиқлик тадбиркор Жасур Усмонов юртимизда биринчилардан бўлиб чорвачиликда кластерни таъбиқ қилишга киришди.

Молия муассасаларида

Аслида, бу ёш тадбиркор чорвачиликка қўл урганига ҳали кўп бўлгани йўқ, у 2016 йилда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг молиявий кўмаги билан бўрдоқчиликка ихтисослаштирилган “Rustam Premium” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйган эди. Ўтган қисқа давр ичида чорва моллар сонини 180 бошдан салкам 500 бошга етказди. Тез орада хориждан яна 537 бош “Aberdeen Angus” зотли бузоқлар олиб келинади. Ана шунда гўшт йўналишида парваришланадиган новвослар 1 000 бошдан ошади.

Ташландиқ жойда кўркем мажмуа

“Rustam Premium” МЧЖга қарашли қарийб 5 гектарлик чорвачилик мажмуаси яқин-яқингача ташландиқ жой эди.



юмшоқ гўшт беради. “Мармар”лик даражаси юқорилиги туфайли қиймат баҳоланади. Яъни гўшт қатламлари орасида чизикдек ингичка ёғ қатламлари борки, унинг тасвири бир қарашда худди мармарни эслатади. Жайдарли моллар гўштида эса ёғ қатлами қалинлашиб кетади. Мана сизга фарқи.



Шунинг учун тадбиркор етиштирган гўшт махсулотларига талаб катта. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида Тошкент шахрида махсус гўшт дўконлари очилиб, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига юқори сифатли гўшт етказиб берилмоқда.

— Харидорларга 20 хилдаги гўшт махсулотларини таклиф қиляпмиз, — дейди сотувчи Лейла Мўминова. — Улар орасида стейкбop ҳамда қадокланган гўшлар энг харидорғирли саналади. Масалан, 20 дан ортиқ ресторонлар, чет эл элчихоналари ходимлари доимий мижозимиз саналади. Шаҳар бўйлаб махсулотни бепул етказиб бериш хизматини йўлга қўйганимиз улар учун қўшимча қулайлик бўлди.

Инновацион лойиҳага — кенг йўл

“Қишлоқ қурилиш банк” томонидан халқаро молия институтлари ҳисобидан ажратилаётган маблағлар

кредит чорвачиликнинг яна бир йўналишини ўзлаштиришда қўл келди.

Гап шундаки, Австриядан 150 бош гунажин олиб келиниб, сут етказиб берилма бошланди.

— Ўзбекистон иқлими шароитида қорамолларнинг ҳар қандай зотини парваришлаш мумкин, — дейди ветеринар-зоотехник Муроджон Абдуллаев. — Айниқса, “Симментал” зотли бу гунажинлар юртимизга тез мослашди. Ҳеч қандай йўқотишлар бўлмади. Ўтган йилнинг кузида олиб келинган бўлса, ҳозир 120 боши бузоқлади. Бузоқ олиш қўрсаткичи 99 фоизни ташкил этмоқда. Сигирлар ва бузоқлар ҳолати яхши, семизлик даражаси меъёрида.

Тадбиркорнинг айтишича, “Симментал” зотли қорамоллар бежиз олиб келингани йўқ. Сабаби, у икки — сут ва гўшт йўналишларига мослаштирилган.

— Сигирлар серсутилиги учун кунига уч маҳал, яъни ҳар саккиз соатда соғилади, — дейди сут соғувчи Ўғилой Хидирова. — Айни пайтда говмишлар 30 — 35 литрдан сут берапти. Чет эл-

лик мутахассисларнинг айтишича, кейинги йил янада кўпаяр экан.

Чорвачиликнинг бўрдоқчилик ва сутчилик йўналишларида фаолият олиб бораётган тадбиркордан улардан қай бири фойдали эканлигини сўраймиз.

— Иккаласи ҳам фойдали, — дейди у. — Лекин бўрдоқчиликда харажатларингизни қоплаш учун маълум муддат керак бўлса, сутчиликда эса тез қайтар экан. Чунки бу йўналишда кунлик тушум бор. Масалан, ҳозир кунига ўртача 1,5 тонна сутни қайта ишлаш қорхонасига топширамыз. Бунинг ҳисобига кредит тўловларини ўз вақтида амалга оширяпмиз.

Хўжаликда меҳнат қилаётган 22 нафар ишчи билан сўхбатлашар эканми, зотли сигирларни парваришлаш ҳам осон эмаслигини айтишди. Жониворларнинг ҳар бири алоҳида эътибор талаб қилади. Айниқса, бузоқларни беш ойгача парваришлаш ўта нозик палла саналади. Дастлабки беш кунда беш маҳал, сўнгра уч маҳалдан 38-39 даражача иситилган сут берилади. Қўшимча озуқа ейиш, сув ичишга ўргатилади. Сигирларга эса кунлик озуқа сарфи 42 килограммгача етади. Шу маънода, жамият учун 150 гектар ер ажратилгани аини мўддао бўлди. Ҳозирги пайтда ушбу экан майдонларининг 20 гектара гағлла, шунчасига беда экилган бўлса, қолган қисмида маккажўхори етиштирилиши мўлжалланган.

Имтиёзли кредитлар — қулай имконият

“Қишлоқ қурилиш банк” чет эл кредит линиялари ҳисобидан тақдим этаётган имтиёзли кредитлар юртимиз тадбиркорларини янги лойиҳалар устида изланишга ундамоқда. Узоққа бормасдан, Жасур Усмоновнинг режалари билан қизиқамиз. У банк молиявий кўмагида чорвачиликда кластер усулини тўлиқ жорий қилиш ниятида.

Жорий йилнинг ўзида сут ва гўштни қайта ишлайдиган замонавий қорхоналарни ишга тушириш режалаштирилган. Бунинг учун пухта бизнес-режа ҳам ишлаб чиқилган. Унга кўра, хўжаликда етиштирилган сут шу ернинг ўзида қайта ишланиб, 10 хилга яқин сут маҳ-

Ватан манзаралари



“...Билар буни сафар қилган ҳар оқил”

Устюрт бағридаги Чақмоқли қўналғасида ота-боболаримизнинг тош асрига оид 60 дан ортиқ маконлари мавжуд бўлган. Археологлар бу ерда қадимги замонларга оид 15 545 та ноёб ашёни аниқлашган. Устюртнинг тўрт тарафидаги минглаб қальалар, қўрғонлар, сардобалар, ер ости горлари, зиёратгоҳлардан топилган ашёларнинг сон-саногига етиб бўлмайди.

— Устюртдаги икки чақириму етти юз метрлик Девкесган девори бутун жаҳон археологларининг эътиборини ўзига жалб этиб келади, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, археолог Файратдин Хўжаниёзов. — Бу иншоот Хитой деворидан деярли ярим минг йил муқаддам бийдай биёбонда метиндек мустаҳкам қилиб қурилган. Устюртнинг бундай мўъжизаларидан яна бири ажодларимиз томонидан махсус қиррали тошлардан териб чиқилган 800 — 900 метрли ўқ-ёй пайкони шакллари-дир. Вертолётдан олинган тасвирларда бу шакллар юзлаб километр масофага чўзилгани кўриниб турибди. Буюк Ипак йўли бўйлаб Эдил ва Ёйиқ тарафларга, ундан Европага қатнаган карвонлар ахли Белеули сингари карвонсаройларда ҳордиқ чиқаришган. Шу тарихқа Оролбўйи Евросиё даштларини буюк тоғлар билан боғлаб, наинки туркийлару форсийлар, балки ҳинд-европо этносларини ҳам бирлаштирган муҳим ҳудуд вазифасини ўтаган.

Тик жарлари бўйининг тупроғи ва тошлари таркибиде кремений кўп.

Кўнғир ранг Устюртнинг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Айтишларича, қадим замонларда саклар ва массагетлар Волгабўйи скифларининг бозорларига Қўнғиротдан кўнғир отда боришган экан. Устюрт заминининг шай-доси бўлган аjoyиб шоиримиз Матназар Абдулҳаким бир шеърда шундай ёзган:

Отми илдам юрар, тумани афзал?..
Отинг саманими, кўнғирни маъкул?
Гоҳ от, гоҳ отдан-да туй ўнғай сал,
Билар буни сафар қилган ҳар оқил.

Устюртнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида сўз кетганда дарҳол чўл бағрида куюндек учиб юрган сайгоқлар тўдалари кўз ўнгин-гиздан ўтади. Утган асрнинг йигирманчи йилларида Оролбўйи ҳудудида бу жониворлар сонини бир миллиондан ортиқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар қирқ баробар камайиб кетган.

— Устюртга куз охирларида келиб қишловни ўтказган сайгоқлар шу ерда урчиб, кеч баҳорда яна олис манзиллардаги яйловларга қайтади, — дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдурахмонов. — Қозоғистон ҳудудидан улар ўрол тоғларига, Волгабўйи ва Нўғой далаларига, Бетпақдала чўлларига йўл олади.

“Қизил китоб”га киритилиб, кўпайиши ҳимояга олинган табиатнинг бу жонзотларини асраш борасида аjoyиб олим, биология фанлари номзоди Қўнисбой Қайипбеков ҳам жонбозлик кўрсатяпти.

— Мен Устюртнинг “Қирққиз” аҳоли масканига 1982 йили, ўттиз яшар чоғимда келган эдим, — дейди меҳнат фахрийси Муротбой Ғойиббоев. — Ўшанда темир йўл бекати, компрессор станцияси, бармоқ билан санарлик хонадон бор эди, холос. Бугун бизнинг шаҳарчамизда 216 оила истиқомат қилимоқда.

Устюртда ўзгаришлар кўп. Ўн йил аввал Қўнғирот сода заводи иш бошлаган бўлса, бугун жаҳондаги энг йирик корхоналардан бири — Устюрт газ-кимё мажмуаси маҳсулот берапти. Шу тарихқа Оролбўйининг янги тарихи яратилмоқда.

Янгибой ҚҶЧҚОРОВ.

Кўклам кўнгиллардан бошланди

Бу йил қир-адирларимизда майсалар эртарақ барқ уриб, дарактлар куртак ёзди. Сувга тақчилроқ ҳисобланган Деҳқонобод туманида ёғингарчилик мўл бўлди. Шу боис деҳқонободликларнинг кайфияти ҳар қачонгидан ўзгача. Туманда баҳорги ишлар авжида. Жойларда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Наврўз нафаси

— Худудда 45 та ғуқаролар йиғини бор, — дейди “Маҳалла” жамоат Фонди туман бўлинимаси раиси Давлат Қўлматов. — Одамлар шахсий томоркаларидан кўпроқ фойдаланиш лозимлигини тушуниб етишгани боис салкам 30 минг хонадон томоркаларида ҳар хил мева-ли ва манзарали даракт қўчатлари,

анвойи гуллар ҳамда сабзавот экинлари экилиши қизгин тус олган.

Ҳақиқатан ҳам, туманининг қайси кўчасида бўлмang, ободонлаштириш ишларига астойдил киришилганига ғувоҳ бўласиз. Эҳтиёжманда оилаларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга кўмак кўрсатилаётгани эътиборга сазовордир.

Интилиш

Паррандачилик кластери

Фарғонадаги “Водий насли парранда” хусусий корхонаси тасаруфидида ташкил этилган паррандачилик кластерида туҳум етиштиришдан парранда гўштини қадоқлашгача бўлган барча жараён қамраб олиниши режалаштирилган.

— Вилоят ва Бешарик тумани ҳокимликлари кўмағида озуқа базаси яратиш учун 524 гектар ер ажратилди, — дейди кластер раҳбари Бохижон Турдалиев. — Ҳозирги кунда корхонамизда 9 та цех фаолият кўрсатмоқда. Ойига Фарғона водийси ва Тошкент бозорларига 3 миллион донга туҳум етказиб берилишидан ташқари, Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Шу кунларда кластер тизими асосида ойига 100 минг бош жуға очиршига мўлжалланган инкубация

цехи ҳамда битта замонавий товук сўйиш бўлими қурилади.

Кластер тизимига ўтилган, халқаро сифат кафолатини таъминлаш, жаҳон бозорида корхона брендини яратиш мақсадида Голландиядан маркировка жиҳозлари олиб келинди.

Жорий йилнинг апрель ойидан эътиборан корхонада буюртма асосида жуға етиштириш ишларига киришилади.

Элёржон ЭҶСОНОВ
(“Халқ сўзи”).

Тиббиёт

Нефрологик касалликларни даволашда замонавий ёндашув

Тошкентда нефрологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илк халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тадбир Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисида нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилди. Унда вазирлик масъуллари, ҳудудий бошқармалар, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббий олий таълим муассасалари

ҳодимлари билан бирга, Германия, Буюк Британия, Россия, Туркия, Украина каби давлатлардан соҳа вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда юрти-миз ва жаҳоннинг илғор мутахассислари нефрологик касалликларни профилактикаси, ташхис қўйиш ва даволашнинг янги ҳамда самарали усуллари, буйракни трансплантация қилиш, патологиясининг барвақт олди-



ни олиш масалалари юзасидан маърузалари билан қатнашди.

Қизгин муҳокамалар руҳида ўтган тадбир маҳаллий ва хорижий олимларнинг ўзаро таҳриба алмашиши учун ҳам қулай имконият бўлди.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Генри ХОЛДЕН,
профессор (Буюк Британия):

— Нефрологик касалликларни даволашда Ўзбекистон таҳрибаси билан танишиб, олий таълим муассасаларида бўлиб, юртингизда юксак масъулиятли, юқори малакали кадрлар тайёрланаётганига ғувоҳ бўлдим. Анжуманда наслдан-насла ўтайдиган буйрак касалликлари, уларнинг сабабини аниқлаш ва

даволашнинг илғор усуллари бўйича маъруза ўқидим. Ушбу тадбир дунё миқёсида нефрологик касалликларни даволашда юзга келаётган муаммолар, шунингдек, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, буйрак кўчириш билан боғлиқ оғрикли масалаларни муҳокама қилишда айни муддао бўлди. Келгусида ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Улугбек ЙҶЛДОШЕВ,
Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари:

— Буйраги ишламайдиган беморлар учун илгари қонни тозалаш берувчи филтрлардан беш-олти марта фойдаланилган, эндиликда бир марталик филтрларни ишлаб чиқариш ва уни амалиётга жорий этиш йўлга қўйилмоқда. Илмий анжуманда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, нефролог мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш, хорижий таҳрибаларни ўрганиш учун Россия, Беларусь, Жа-нубий Кореядаги нефроло-

гия марказлари ва бошқа шу каби кўллаб хорижий ташкилотлар билан шартномалар имзолади. Бу фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқади. Марказимиз келгусида бир ҳафтада тўрт-бешта буйрак кўчириш операциясини ўтказиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун алоҳида бино ҳам қурилмоқда. Қолаверса, бугунгача буйрак кўчиришда фақат яқин қариндошлардан донор буйраклар олинган. Анжуманда юрак хуружи, автохалокат оқибатида вафот эт-

ган одамлардан донор сифатида фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ушбу конференцияни келгусида ҳар икки йилда бир марта “14 март — Бутунжаҳон буйрак куни”да ташкил этишни режалаштирмоқдамиз. Олиб борилаётган барча ислохот замирида инсон тақдирини, саломатлиги акс этади, асосий мақсадимиз беморларни даволаш самарасини янада ошириш, Ўзбекистонда нефрология соҳасини янада ривожлантиришдир.

Юлдуз ЎРМОНОВА
(“Халқ сўзи”).

ЭЪЛОН

Ўзбекистонда Халқаро картошка куни 19 март

- Техник тақдимот (спикерларнинг чиқишлари)
- Кўргазма ва кооперация биржа
- Техника янгиликлари намоиши
- Картошқадан ярим фабрикалар ишлаб чиқарувчи заводнинг очилиши

Фақат мутахассислар учун.
https://potatoday.uz сайти орқали иштирок этишга буюртма бериш мумкин.
Мурожаат учун телефон: 90-906-46-60.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

ХАЛҚ BANKI

МИЖОЗНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИ БИЗ УЧУН ҲАМ ҚАДРЛИ

Шу кунларда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан “Миллий валютадаги пул ўтказмаси” тизимини ҳаётга жорий этиш юзасидан зарур ишлар амалга оширилмоқда. Ҳўш, мазкур тизимнинг афзаллиги нимада? Унинг бошқа хизмат турларидан фарқи қандай? Банк мутасаддиларининг таъкидлашича, бу тизим бир қатор қулайликларга эга.

Мисол учун, сиз республикамизнинг бошқа ҳудудида бўлиб турган фарзандингиз, яқинларингиз ва танишингизга пул жўнатмоқчисиз. Ҳозирги кунда аксарият одамлар бу ҳолатда такси хайдовчиларига мурожаат қилади ёки маблағни банк пластик карточкалари орқали ўтказди. Лекин бунинг ўзига хос нуқулай томонлари ҳам бор. Такси орқали юбориладиган пул маълум вақт ва харажати талаб қилади. Пластик картончада эса ҳар доим ҳам маблағ бўлавермаслиги мумкин. Халқ банки томонидан таклиф этилаётган янгилик эса ана шундай нуқулайликларнинг олдини олишга қаратилган. Бунинг учун банк филиалига бори-либ, зарур пул топширилса қийос. Узоғи билан ўн дақиқа ичда маблағ ўз эгасига етиб боради. Мазкур хизматга ҳам маълум даражада тўлов мавжуд. Бироқ кўп эмас. Айни пайтда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида Халқ банкининг 197 та филиали, 30 та минибанки, 687 та чакана амалиётлар кассаси, 206 та халқаро пул ўтказмалари, 100 га яқин валюта айирбошлаш шохобчалари, умуман олганда, унинг 3200 дан ортиқ муассасалари мавжудлигини инобатга олсак, ушбу тизим мижозлар учун айни муддаодир. Тизимни жорий йилнинг иккинчи чораги охирига қадар ишга тушириш режалаштирилган.

Бу каби янгиликларнинг амалиёт-

га киритилишида Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари орқали мижозлар дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз банк биносига кириши таъминланиб, хизматларимиздан фойдалана бошладилар, — дейди банкининг Чакана хизматлар департаменти директори Самийбой Бўстонов. — Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, мижозларнинг эҳтиёжларини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида “Қюматик” навбат кутиш тизими йўлга қўйилган.

Қарор ижроси доирасида 197 та филиалдан 185 тасида “Банк хизматлари маркази” фаолияти ташкил этилди. Бугунги кунда қолган 11 филиал ҳам шунга мослаштирилмоқда. Янги ташкил этилган “Банк хизматлари маркази”нинг афзаллиги шундаки, банкка келган мижоз навбат кутмайди, яъни марказдаги универсал ҳодимлар банк фаолияти билан боғлиқ барча амалиётни бажара олади.

Маълумот ўрнида келтирадиган бўлсак, ушбу марказда юридик шахслар учун 5 нафар, жисмоний шахсларга 7 нафар ҳодим бир кунда



ўртача 700 га яқин мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатмоқда.

Банк филиалларида “Reception” фаолияти йўлга қўйилиб, мижозларга дастлабки маълумотлар берувчи 195 та маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Халқ банки тизимида ҳодимларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимини, маънавий-маърифий савиясини ва касбий малакасини ошириш мақсадида “Ҳодимларнинг ташқи кўриниш стандарти”, “Иш жойи стандарти”, “Телефон орқали мулоқотнинг ягона стандарти”, “Ҳужжатларни расмийлаштириш стандарти”, “Мижозларга хизмат кўрсатиш стандарти”, “Корпоратив маданият ва хулқ-атвор қоидалари”, “Корпоратив хизмат ёзишмалари қоидалари” ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Ҳозирги кунда Халқ банки ўз мижозларига аҳолининг ижтимоий ва ёшга оид тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, шартлари ҳамда сақлаш мuddатлари турлича бўлган миллий ва хорижий валюталардаги депозитларни таклиф этапти. Мижоз ўзи учун энг манфаатли омонатни танлаш имкониятига эга. Хусусан, Халқ банки муассасаларида миллий валютадаги депозитларнинг ўн икки тури жорий этилган бўлиб, улар бўйича йиллик 21 фоизгача даромад тўланмоқда. Яна шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Халқ банки — аҳоли омонатлари давлат томонидан қафолатланган ягона молия муассасасидир.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар таҳрибасини ўрганган ҳолда, синов тарикасида банкнинг 7 та туман (шаҳар) филиалларида “24/7 Электрон офис”лар ташкил қилинди. Жорий йил 1 майгача яна 15 та ана

шундай офисни ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Қолаверса, Халқ банки томонидан тақдим этилаётган “Интернет-банкнинг” хизмат тури орқали мижозлар (юридик шахслар) ўз ҳисоб рақамларини дунёнинг исталган нуқтасидан бошқаришлари мумкин. “Корпоратив мобил банкнинг” хизмат тури, “Xalq mobile” мобиль иловаси ҳам шундай қулайликлари билан ажралиб туради. Банкнинг барча филиали 247 та валюта терминали билан таъминлангани, туристлар кўпроқ борадиган жойларда “24/7” ёки куну тун режимида ишлайдиган 11 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаси ташкил этилгани ҳам диққатга сазовор.

Бундан ташқари, банк томонидан аҳолига енгиллик яратиш мақсадида банк тарифларига тегишли ўзгаришлар киритилди. Жумладан, халқаро “Visa” тўлов карталарини очиб, Халқ банки томонидан эмиссия қилинган халқаро тўлов карталаридаги маблағларни ечиш, интернет тўлов ва “SMS” хабарларга уланаш бепул этиб белгиланди. Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 25 АҚШ долларидан 15 долларга туширилди.

Халқ банки томонидан амалиётга жорий этилаётган бу каби замонавий хизмат турлари аҳоли ва мижозлар учун кенгроқ қулайлик яратиш орқали ишонгли ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашни асосий мақсад қилиб олган, десак, айни ҳақиқатдир.

Д. МУРОВОВ.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 943 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6